

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАШДА НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ПЕДАГОГИК МОДЕЛИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.69.23.005>

Ғаффаров Феруз Ҳасанович,

Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг (DSc) докторанти

Аннотация. Мақолада профессионал таълим муассасаларида ўрта махсус маълумотли малакали мутахассисларини интеграциялашган таълим асосида касбий фаолиятга тайёрлашда назария ва амалиёт интеграциясини таъминлашнинг ташкилий ва педагогик модели ҳамда таълим жараёнини назарий ва амалий таълим интеграцияси асосида таъминлашнинг асосий вазифалар белгиланган.

Калит сўзлар: профессионал таълим, анъанавий таълим, интеграциялашган таълим, назария, амалиёт, касбий фаолият, билим, кўникма ва малака.

Аннотации. В статье определены основные задачи организационно-педагогической модели интеграции теории и практики при подготовке квалифицированных специалистов со средним специальным образованием в учреждениях профессионального образования на основе интегрированного обучения и интеграции теоретического и практического образования.

Ключевые слова: профессиональное образование, традиционное образование, интегрированное образование, теория, практика, профессиональная деятельность, знания, навыки и квалификация.

Abstracts. The article defines the main tasks of the organizational and pedagogical model of integration of theory and practice in the preparation of qualified specialists with secondary specialized education in vocational education institutions on the basis of integrated training and integration of theoretical and practical education.

Keywords: vocational education, traditional education, integrated education, theory, practice, professional activity, knowledge, skills and qualifications.

Республикамизда сўнгги йилларда профессионал таълимни модернизациялаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда назария ва амалиёт интеграциясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Профессионал таълим муассасаларида ўрта махсус маълумотли

малакали мутахассисларни интеграциялашган таълим асосида касбий фаолиятга тайёрлашда махсус фанлардан назарий билим ҳамда амалий кўникмалар интеграциясини соҳалар бўйича фанлар алоқадорлигини таъминлаш, ўқув-тарбия жараёнини бевосита ишлаб чиқариш билан муносабатини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро тажрибаларга кўра таълимда назария ва амалиёт тенденциясини янада ривожлантиришда таълимнинг интегратив ташкилий функциясини кенгайтириш, ўқитиш шакллари ва методларини такомиллаштириш, бўлажак мутахассиснинг шахсий ва касбий муҳим сифатларни шакллантириш каби интеграцион жараёнлар муҳим ўрин тутди. Бу эса интеграциялашган таълим асосида мутахассисларни ва иш берувчиларнинг узвийлик ва ўзаро алоқадорлик тамойилларини инобатга олган ҳолда касбий фаолиятга тайёрлаш натижаларини педагогик диагностик усуллар билан текшириш ва аниқланган муаммолар бўйича тегишли методик тавсияларни ишлаб чиқиш ва таълим интеграциясининг ахборий-дидактик имкониятларини кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Биз дастлаб профессионал таълим тизимдаги назария ва амалиёт ўртасидаги боғлиқликни кўриб чиқамиз:

Назария - бу таълим мазмунини ташкил этувчи умумлаштирилган билимлар тизимидир.


Амалиёт эса ўқитувчи ва ўқувчиларнинг машғулотларда биргаликдаги фаолияти натижасида амалий кўникмаларни шакллантириш жараёнидир.

Бўлажак касб эгаларини интеграциялашган таълим асосида ишлаб чиқилган ўқув-услубий хужжатлар бўйича тайёрлаш, шунингдек, коллеж ўқитувчиларининг етарли малакага эга бўлишлари учун корхоналарда стажировкаларни ўташ масалалари кўриб чиқиш қутилган натижани бериши шубҳасиз.

Биз томондан ўтказилган тадқиқотлар профессионал таълимда мутахассисларнинг касбий фаолиятга тайёрлашда ўқитишнинг анъанавий моделига ўзгартиришлар киритиш зарурлигини кўрсатди. Чунки ўқитишнинг анъанавий модели асосида таълим олувчиларда ўзаро боғлиқ билим ва кўникмалар тизимини шакллантириш анча мушкул. Мазкур муаммо бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришда профессионал таълими учун кўпроқ долзарблик касб этмоқда. Бу эса касбий фаолиятнинг интегратив хусусияти билан узвий боғлиқ.

Назария ва амалиёт интеграциясини тўлақонли таъминлаш ўқитишнинг янги модели сифатида қараш мумкин. Чунки ўрганилаётган билим, ўзлаштирилаётган зарурий кўникма ва малакалар хилма-хил ҳамда уларнинг ҳажми доимий равишда ортиб бормоқда. Шунингдек, мутахассисларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга ҳам талаблар қўйилмоқда.

Биз томондан профессионал таълимда мутахассис тайёрлашда назария ва амалиёт интеграциясини таъминлашнинг ташкилий ва педагогик модели ишлаб чиқилди (1 расм).



1-расм. Юқори малакали мутахассис тайёрлашда назария ва амалиёт интеграциясини таъминлашнинг ташкилий ва педагогик модели

Ушбу моделда, биз профессионал таълимнинг 4 даражасини берадиган коллежларда (педагогика коллежи мисолида) “Мақтабгача таълимда ёрдамчи тарбиячи” ва «Мақтабгача таълим ташкилотлар маиший масалалари менежери» касблари бўйича изчиллик ва узлуксизлик дидактик тамойилларига асосланган интеграциялашган таълимни ташкил этишни тавсия қилдик.

Биз томондан таклиф этилаётган интеграциялашган таълим жараёни давлат таълим стандарти талабларининг бажарилишини таъминлайдиган назарий тайёргарлик даражасини сақлаб қолиш билан бирга муайян меҳнат функцияларини бажаришга мутлақо тайёр бўлган мутахассисларни тайёрлаш муаммосини ҳал қилишга ёрдам беради.

Биз интеграциялашган таълим жараёнининг таркибини ташкил этган ўқитиш дастурлари, фаолияти, босқичлари, даражалари, қисмлари, йўналишлари, турлари ва шаклларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Бу эса таълимда назария ва амалиёт интеграциясини таъминлашни тўла ифодалаб, унинг таркибий қисмларини ўзида акс эттиради.

Тадқиқотимиз асосида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ўтказилган тадқиқотлар, илмий тадқиқот ишлари ҳамда адабиётларнинг таҳлили шунини кўрсатдики ўрта махсус маълумотли мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда таълим жараёнини назарий ва амалий таълим интеграцияси асосида ёндашув етарлича ўрганилмаган.

Биз ўз олдимизга қўйган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни белгилаб олдик:

- интеграциялашган таълим жараёнида ўқувчининг касбий компетенцияси шакллантирилиш методикасини такомиллаштириш;
- ўқувчиларнинг касбий билим, кўникма ва малакасини баҳолаш фаолиятининг тузилмавий компонентларини ишлаб чиқиш;
- ўқувчиларнинг таълим муассасасини тугатгач касбий фаолиятида учрайдиган муаммоларни мустақил ҳал қилиш учун зарур бўладиган компетенцияларнинг эгаллигини таъминловчи функцияларни ишлаб чиқиш;
- шахснинг ўзини-ўзи англашига, касбий этика меъёрларини ўзлаштиришига, ўз-ўзини баҳолаш фаолиятини англаб етишига йўналтирилганлигини таъминловчи рефлексив функцияларни ривожлантириш;
- интеграциялашган таълим жараёнида фаол ўқитиш методларини қўллаш орқали ўқувчиларнинг ўқув материалларини мустақам эгаллашга мотивациясини кучайтириш.

Шунингдек, интеграцияланган таълимда мутахассисларни ва иш берувчиларнинг узвийлик ва ўзаро алоқадорлик тамойилларини инобатга олган ҳолда касбий фаолиятга тайёрлаш натижаларини педагогик диагностика усуллар билан текшириш ва аниқланган муаммолар бўйича тегишли методик тавсиялар асосида таълим интеграциясининг ахборот-дидактик имкониятлари кенгайтирилишига эришилади.

Профессионал таълимда назария ва амалиёт интеграциялашган таълимда ўқувчи таълим муассасасини тамомлаганда нафақат маълум мутахассис дипломига эга, балки ҳар қандай касбий муаммоларни мустақил ҳал қила оладиган бўлиб чиқади.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, таълимнинг интеграциясини таъминлаш – соҳа тараққиётининг муҳим мезони ҳисобланади. Бугунги кунда таълим тизими олдида турган асосий вазифалардан бири таълим олувчиларнинг мустақил ишлаш қобилиятларини ва компетенциясини узлуксиз равишда ривожлантириб боришга ўргатиш ва комил шахсни шакллантиришдир. Юқори натижага эришиш учун интеграциялашган таълимни амалга ошириш талаб этилади. Демак, бугунги кунда таълим тизимида инновацион жараёнларни ишлаб чиқиш ва интеграциялашган таълимни амалиётга жорий этиш механизмларини назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисида Қонуни ЎРҚ-637-сон 23.09.2020 <https://lex.uz/docs/5013007>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли Фармони.
3. Химматалиев Д.О. Касбий фаолиятга тайёргарликни диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграцияси // пед.фан.док. дисс. Тошкент - 2018.
4. Сидакова Л.В. Таълимнинг икки томонлама моделининг моҳияти ва асосий хусусиятлари // Таълим ва тарбия. - 2016.